Академияда навбатдаги диссертация иши ҳимояси бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги DSc.24/2025.27.12.Yu.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 11 ноябрдаги мажлисида Илмий-инновацион тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва илмий ходимларни тайёрлаш маркази бошлиғи **Шайзаков Шодияр Ибрагимовичнинг** “12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация” ихтисослиги бўйича юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун **“Фуқаролик процессида суд ҳужжатларини юқори инстанцияда қайта кўриш институтининг назарий ва амалий муаммолари”** мавзусидаги диссертация иши ҳимояси ўтказилди.

Тадқиқотнинг мақсади фуқаролик процессида суд ҳужжатларини юқори инстанцияда қайта кўриш институтининг назарий ва амалий муаммоларига қаратилган назарий хулосалар ҳамда қонунчиликни ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти фуқаролик процессида суд ҳужжатларини юқори инстанцияда қайта кўриш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети фуқаролик процессида суд ҳужжатларини юқори инстанцияда қайта кўриш институтининг назарий ва амалий муаммоларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, соҳага оид қонунчилик ва амалиёт ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи инстанция судларининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорлари устидан апелляция шикоятини (протестини) бериш тартиби, апелляция шикоятига (протестига) илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар, шунингдек, биринчи инстанция суди томонидан иш судга тааллуқлилик тўғрисидаги қоидалар бузилган ҳолда кўриб чиқилган бўлса, апелляция инстанциясига ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга юбориш ваколатини бериш кераклиги асослантирилган;

прокурор, юқори турувчи прокурор прокурорнинг иштирокида кўрилган иш бўйича ёки қонунда прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган бўлиб, бироқ у суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмасдан кўрилган иш бўйича биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган суд ҳужжати устидан апелляция протести келтиришга ҳақли эканлиги асослантирилган;

биринчи инстанция судларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорлари устидан кассация шикояти (протести) бериш ҳуқуқини кенгайтириш, кассация шикоятларини (протестларини) кўрадиган судлар тоифасини аниқ белгилаш, кассация шикоятини

(протестини) бериш тартиби ва муддатларини процессуал жиҳатдан белгилаш лозимлиги асослантириб берилган;

кассация инстанциясида прокурорнинг иштирокисиз кўрилган иш бўйича кассация протестига ФПК 403-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг мазкур протестни келтиришга асос бўлиб хизмат қилган мурожаатининг кўчирма нусхаси илова қилиниши, қонунда прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган бўлиб, бироқ у суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмасдан кўрилган ишлар бундан мустасно эканлиги асослаб берилган;

кассация инстанцияси суди фуқаролик ишини кассация тартибида кўраётганда суд ҳужжатларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш учун судга тақдим этилган янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан иш ҳужжатлари тўлиқ ўрганилганлигини важ қилиб, ишни фақатгина шикоят (протест) доирасида кўриб чиқишга ҳақли эмаслиги, суд кассация босқичида суд ҳужжатини тўлиқ ҳажмда текшириб чиқиши шартлиги асослантирилган;

фуқаролик процессида апелляция тушунчаси, апелляция протести, апелляция институтининг асосий мақсади, апелляция босқичининг фуқаролик процессуал ҳуқуқининг мустақил институти сифатидаги ўзига хос хусусиятлари, апелляция шикоятидан воз кечиш ҳамда ишни апелляция тартибида кўришда арз қилинган талаблардан воз кечиш тартиби ва оқибатлари, апелляция инстанциясида ишни кўриш босқичлари, суднинг ҳал қилув қарорини ўзгартириш билан боғлиқ илмий-назарий тушунчалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фуқаролик суд ҳужжатларини юқори инстанцияда қайта кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 10, 17, 128, 192, 194, 195, 208, 372^{4}, 389^{5}, 396, 407^{9}, 416, 419^{4}, 419^{5}, 419^{6}, 419^{10}–419^{12}, 419^{14}, 419^{15}, 419^{20}, 419^{25}, 419^{26}, 419^{27}–419^{30}, 437, 439-моддаларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш асослантириб берилган;

сунъий интеллектни фуқаролик суд ҳужжатларини юқори инстанцияда қайта кўриш жараёнларига татбиқ этиш асослантириб берилган;

фуқаролик процессуал қонунчиликка “Фуқаролик суд ишларини юритишда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш” номли янги боб киритиш лозимлиги асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни тартибга солувчи қонунчиликни қўллаш тўғрисида”ги янги Қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан фуқаролик ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги янги Қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан фуқаролик ишларини тафтиш тартибида кўриш тўғрисида”ги янги Қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик судлари томонидан сунъий интеллектни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги янги Қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган;

2030–2040 йилларга мўлжалланган “Янги суд – янги тизим – 2040” Ўзбекистон Республикасида соддалаштирилган ва ягона суд амалиётига йўналтирилган фуқаролик одил судлови моделини барпо этиш концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилган.